

Ўзбекистон — Европа Иттифоқи:

ҲАМКОРЛИКНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШДА ЯНГИ ҚАДАМ

Брюсселда "Ўзбекистон — Европа Иттифоқи" ҳамкорлик қўмитасининг бешинчи йиғилиши бўлиб ўтди. Мазкур комиссия фаолияти Ўзбекистон Республикаси ва Европа Иттифоқи ўртасида имзоланган Шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битимни бажариш масалаларига қаратилган.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси бош вазирининг ўринбосари, Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги раиси Э.Ганиев бошчилигидаги мамлакатимиз ҳайъати иштирок этди. Қўхна китъа томонидан Европа Иттифоқи Комиссияси бош директорати Европа, Кавказ ва Марказий Осиё мамлакатлари билан алоқалар бўйича директор У.Мингарелли раислик қилди.

Комиссия йиғилишида савдо-иқтисодий, сарможавий, илмий-техникавий ҳамкорликни янада кенгайтириш, техникавий кўмак, минтақавий интеграцияни ривожлантириш, шунингдек, сиёсий соҳада ҳамкорлик қилиш,

ҳалқаро терроризм, гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний айланиши ва уюшган жиноятчиликка қарши кураш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

— Ўзбекистон ҳайъати билан ўта муҳим учрашув ўтказдик. Унинг диққат марказида Шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битимни бажариш билан боғлиқ кенг қўламдаги масалалар турди. Европа Иттифоқи Ўзбекистонни Марказий Осиёдаги муҳим стратегик ҳамкор сифатида билади ва ўзаро манфаатли барча йўналишларда самарали ҳамкорликни ривожлантириш ниятида.

Биз Ўзбекистон ҳукумати сиёсий ва иқтисо-

дий ислохотлар ўтказишда қўлга киритган тараққиётни мамнуният билан қайд қиламиз. Шу муносабат билан яқинда бўлиб ўтган парламент сайловлари яқунлари мамлакатни янада демократлаштиришда муҳим қадам бўлганини эътироф этиш керак. Европа томони, шунингдек, Ўзбекистоннинг иқтисодий ва бозор ислохотлари борасида эришган ютуқлари, терроризм ва наркотрафикка қарши курашдаги мавқеини юқори баҳолайди.

Биз Президент И.А.Каримовнинг минтақавий ҳамкорликни мустаҳкамлаш, хусусан, Марказий Осиё умумий бозорини барпо қилиш бўйича ташаббусларини қўллаб-қувватлаймиз ва Европа интеграцияси тажрибасидан келиб чиққан ҳолда мазкур масалада консультацион кўмак бериш-

га тайёрмиз, — деди "Жаҳон" агентлиги муҳбирига Европа ҳайъати раҳбари У.Мингарелли "Ўзбекистон — Европа Иттифоқи" ҳамкорлик қўмитаси йиғилиши яқунлари баҳо берар экан.

Шуни таъкидлаш лозимки, Европа Иттифоқи ЕИнинг 2007-2013 йилларга мўлжалланган янги Регламенти доирасида Марказий Осиё мамлакатларига ташқи кўмак дастурини янада ривожлантиришни назарда тутмоқда. Бу ЕИнинг минтақавий фаолиятини чуқурлаштириш, икки томонлама савдо-сотиқ ва сарможаларни кўпайтириш, минтақа мамлакатларини Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиши, иқтисодий ва молиявий ҳамкорлик қўламини сезиларли кенгайтиришга хизмат қилади.

"Жаҳон" АА.
Брюссел.

ТОШКЕНТ (ЎзА муҳбири Лазиз РАХМАТОВ).
"Ishonch" банклар-аро сугурта компанияси аҳоли орасида тора оммалашиб бо-

СУГУРТА ВА ПЛАСТИК КАРТОЧКА

раётган қўлай ва самарали тўлов воситаси — пластик карточкадан фойдаланувчиларни комплекс сугурта қилишни йўлга қўйди.

Сугурталашнинг бу тури фойдаланувчиларни бахтсиз ҳодисалардан, пластик карточкаларга турли шаклда етадиган талафотдан қўриладиган зарарни қоплашни назарда туттади.

Ҳозиргача етти юзга яқин жисмоний шахс билан сугурта шартномаси имзоланди.

МўЛ ҲОСИЛ ТАРАДДУДИ

Мамлакатимизда пахтачиликни янада ривожлантириш, минтақамиз тупроқ-иқлим шароитига мослаштирилган навлар ҳосилдорлигини ошириш, юқори репродукцияли уруғларни экишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 23 декабрда қабул қилинган "Ўза уруғчилигини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори бу борадаги ишларни янада юксак савияда ташкил этишда муҳим дастуриламал бўлмоқда.

Айни кунларда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, "Ўзпахтасаноат" уюшмаси тизимидаги корхоналарда жорий йил ҳосили учун экиладиган уруғлик чигитни тозалаш, тўқизлантириш, дорилаш ишлари қизгин давом

этноқда. Бу йил деҳқонларимиз 1 миллион 390 минг гектардан кўпроқ майдонда пахта етиштиришни режалаштиришган. Бунинг учун 125 минг тоннадан кўпроқ уруғлик зарур.

Қарор ва ижро

"Андижончигит" Ўзбекистон-Греция қўшма корхонаси хўжаликларни сифатли уруғлик билан таъминлашда муҳим ўрин тутди. Шу кунларда бу ерда чигит жадал қайта ишланапти. Экиш мавсумига хўжаликларга уч минг тоннадан кўпроқ уруғлик етказиб берилди.

Корхона директорининг ўринбосари Баходир Назаровнинг маълум қилишича, ҳозир кунига олти беш тоннагача уруғлик тай-


ёрланапти.

Корхонанинг замонавий техника билан жиҳозлангани уруғлик одатдагидек механик усулда эмас, балки компьютер ёрдамида кимёвий йўл билан ишлов бериш имконини яратди. Хусусан, чигит 280 даража иссиқликда тўқизлантирилади ва сараланди.

Бундай ишлов берилган уруғлик тез унади ва қасалликка чалинмайди. Унинг сифати "Ўздауруғ-назоратмарказ" вакиллари томонидан махсус лабораторияда мунтазам текшириб борилаётганда.

Айни кунларда "Андижончигит" ўз маҳсулотларини хўжаликларга шартнома асосида пешма-пеш етказиб бермоқда.

Олим НОРБЕКОВ,
Ўза муҳбири.



АТ «ПАХТА БАНК»

сизларга қўйидаги омонат турларини таклиф қилади:

3 ой ва 6 ой муддатта очиладиган «ФАРОВОНЛИК» омонат тури. Ушбу омонат тури бўйича 3 ой муддатта йиллик 28 фоиз ва 6 ой муддатта йиллик 30 фоиз даромад тўланади ҳамда ҳар ой капитализациялантириб борилади. Маблағлар фақат нақд пулда қабул қилинади. Бошланғич бадалнинг минимал миқдори — 5000 сўм. Ҳисобланган фоизлар ҳар ойда тўлаб борилади.

6 ой муддатта очиладиган «ОҚ ОЛТИН» омонат тури. Ушбу омонат тури бўйича йиллик 28 фоиз миқдорида даромад тўланади. Маблағлар фақат нақд пулда қабул қилинади. Бошланғич бадалнинг минимал миқдори — 2000 сўм. Биринчи ой учун фоизлар олдиндан омонат қўйилган кунга тўлаб берилади, қолган фоизлар ҳам ойма-ой олдиндан тўлаб борилади.

1 йил муддатта очиладиган «САХОВАТ» омонат тури. Ушбу омонат тури бўйича йиллик 32 фоиз миқдорида даромад тўланади. Маблағлар фақат нақд пулда қабул қилинади. Бошланғич бадалнинг минимал миқдори — 20000 сўм. Ҳисобланган фоизлар ҳар ойда тўлаб борилади.

14 ёшгача бўлган болалар номига очиладиган «БОЛАЛАР — КЕЛАЖАГИМИЗ» омонат тури. Мазкур омонат турига маблағлар нақд пулда ва нақд пулсиз 1 йилдан 5 йилгача бўлган муддатта қабул қилинади. Омонатнинг сақлаш муддати ва маблағларнинг миқдорига қараб йиллик 28 фоиздан 34 фоизгача даромад тўланади. Бошланғич бадалнинг минимал миқдори — 10000 сўм. Ҳисобланган фоизлар ҳар уч ойда тўлаб борилади.

«ПЛАСТИК КАРТОЧКА» омонат тури. Пластик карточка эгалари республикада жойлашган савдо ва хизмат кўрсатиш пунктларига ўрнатилган терминаллар орқали нақд пулсиз тўлов операцияларини амалга ошириш имкониятларига эга бўладилар. Шу билан биргаликда, коммунал ва бошқа тўловларни ҳам пластик карточка ҳисоб рақамидан фойдаланилган ҳолда амалга ошириш мумкин.

Шунингдек, банк томонидан талаб қилиб олгунча йиллик 5 фоиз миқдорида даромад тўланадиган ҳамда йиллик фоиз ставкаси тегишли равишда 30 фоиздан 36 фоизгача белгиланган, сақлаш муддати 6 ой, 1 йил 3 йил ва 5 йил бўлган «МУДДАТЛИ» омонат тури ва бошқа омонат турлари ҳам таклиф этилади.

«ПАХТА БАНК» — ФАРОВОНЛИГИНГИЗ КАЛИТИДИР!

COSCOM

Янги йил кунларида COSCOM компанияси яна бир қўлайлик такдим этади.

Сифатли ва ишончли алоқа нафақат Янги йил кечасида, балки Янги йилнинг ҳар бир кунинда сизлар учун.

2004 йил 1 декабридан 2005 йил 15 январигача «COSCOM» тармоғига уланган ҳар бир янги абонентга совға сифатида 2005 сония бепул эфир вақти такдим этилади. «REAL» режасидан ташқари.

СОТКА номли ЯНГИ ТАРИФ РЕЖАСИ —

бу 8 доллар эвазига

100 дақиқа мулоқот!

Тармоқ ичидаги барча кириш кўнғироклари — бепул ва белгиланган вақтни сарфламайди.

Лимитдан ошган кўнғироклар:
- чиқиш кўнғироклари — 5 цент ва ундан зиёд;
- кириш кўнғироклари — 8 цент.

COSCOM — ОЛИЙ СИФАТ ВА ХОТИРЖАМЛИК.

Тел.: 180-00-00, 181-00-00, WWW.COSCOM.UZ

Нархлар ҚҚСсиз кўрсатилган
Хизматлар лицензияланган

